

Набий алайҳиссаломга қасидалар битган Аҳмад Шавқий



11:00 / 13.01.2022 2270

Шоирлар амири Аҳмад Шавқий оғир беморликка учради. Ҳаётининг охири кунларида ходими унинг зиёратига фазилатли шайх Муҳаммад Аҳмадий Завоҳирий ташриф буюрганини айтди. Муҳаммад Завоҳирий Азҳар шайхи эди. Шавқий ўрнидан туриб Азҳар шайхининг истиқболига чиқди. Уни марҳабо деб кутиб олди. Бироз суҳбатлашгандан сўнг Шавқий шайхдан зиёрати сабабини сўради. Шунда Азҳар шайхи деди:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрлари билан келдим. Ўтган кеча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг олдимга келиб сен билан учрашишимни, у зот сени кутиб турганларини айтишимни амр қилдилар!».

Бир неча кундан сўнг Аҳмад Шавқий вафот этди. Шайх Мутаваллий Шаъровий роҳимаҳуллоҳ қачон уни эсласа: «Шавқий роҳимаҳуллоҳ деманглар, Шавқий розияллоҳу анҳу денглар», дер эди.

Аҳмад Шавқий роҳимаҳуллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мадҳ қилиб ажойиб қасидалар битган.

Абдулқодир Полвонов